



Кодексининг 159-чи ва бошқа моддаларини сақлаб қолишга чақирган. “159-чи моддасиз ҳеч қандай давлат тартиби ҳам бўлмайди, давлатчилик ҳам бўлмайди, МХХ ҳам бўлмайди. Шундай экан сизнинг вазифангиз – Жиноят Кодексининг ушбу моддасини қандай йўл билан бўлмасин сақлаб қолиш ёки қайта тиклаш учун курашишдир”, дея васият қилган МХХ раиси.

Иноятов шунингдек ўз издошларидан Шавкат Мирзиёевни обрўсизлантириш бўйича стратегияни доимий равишда давом эттиришни сўраган. Шундай қилиб...

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: РУСТАМ ИНОЯТОВ БИР УМРГА ФАЛАЖ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Ўзбекистон МХХ раиси Рустам Иноятов ўтган пайшанба, 2017 йилнинг 14 сентяби кунги бошидан кечирган инсултдан сўнг бир умрга фалаж бўлиб қолди. Ўзбекистон тергов ва қамоқхона муассасаларида тергов қилинаётган ва қамоққа ҳукм қилинган кишиларнинг оёқларига дубинкалар билан уриш амалиётини тизимлаштирган одамнинг икки оёғи ишламай қолди. Шундай қилиб...

“У бошқа юролмайди!”

Ўзбек махсус кучлари раҳбарини кўриқдан ўтказиш учун келган Биринчи давлат касалхонаси врачлари консилиуми хулосаси шундай бўлди. Улар шунингдек Иноятовнинг қариндошлари ва яқинларига, Ўзбекистоннинг бош чекисти бир йилдан ортиқ яшаёлмаслигини ҳам айтишган.

Комага тушган Иноятов икки кун ўтиб, 16 сентябр куни ўзига келди. Унинг соғлигини тўрт кишидан иборат тиббиёт ходимлари назорат қилишмоқда. 17 сентябр куни Рустам Иноятов уйига олиб келинган, шундан сўнг у ўзининг ҳаммадан ҳам кўпроқ ишонадиган бешта шогирдини зудлик билан олдига чақирдишларини буюрган.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик

хизмати республика бўлимининг 35-40 ёшлардаги ёш мххчилари ўз устозлари васиятини эшитишган. Шундай қилиб...

Рустам Иноятовнинг ўз шогирдларига васияти

“Менинг кўп умрим қолмади, шекилли. Агарда мен бошлаган давлатни тартибга солиш бўйича ишимни давом эттирсангизлар хурсанд бўламан. Сизларга маълумки, янги президент бу тартибни бузишга қарор қилди”, деган Р.Иноятов ўзининг ишонган шогирдларига.

Иноятов ўз шогирдларини, Мирзиёев тез орада МХХга ўз одамини олиб келиши ва хизматни Каримов даври раҳбарлари ва офицерларидан тозалашни бошлаши ҳақида огоҳлантирган. “Сизлар бу синовдан ўтишингиз керак, ўз ўринларингизда қолиб, кейин эса Хизмат ҳокимиятини қўлга олишларингиз керак. Чунки сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун албатта ҳокимият керак”, деган Р.Иноятов.

У ёш чекистларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам фуқароларни сиёсий ва диний қарашлари учун жазога тортиш кўзда тутилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят

Мирзиёевга қарши қора пиар

Шу йилнинг август ойи бошларида Рустам Иноятов ва унинг тарафдорлари Шавкат Мирзиёевни обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатлари дастурини қабул қилишди. Ушбу дастур вазифаси президент Мирзиёев ваъдалари ёки нутқларига қарши бўлган, давлат миқёсидаги ҳаракатларни амалга оширишдир. Бошқача қилиб айтганда, Иноятовчилар Мирзиёевни, бир нарса ваъда қилиб, лекин умуман бошқа нарса қиладиган ёлғончи ва иккиюзламачи сиёсатчи сифатида кўрсатмоқчи.

Масалан, Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ҳокимининг мактаб мудирларини ураётгани «ҳаваскор» камерага ёзиб олинди, Ўзбекистон МХХнинг марказий бошқармаси ташаббуси ва руҳсати билан Kun.uz ўзбек сайтига берилган. Ушбу видеони МХХнинг Сирдарё вилоят бошқармаси ходими ёзиб олган.

Бу ҳолатда Иноятов «давлат тартиби» тарафдорлари Ўзбекистон президенти томонидан тайинлаган амалдорларнинг қанчалик ахлоқсиз эканликларини кўрсатиб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўйиш ва президентнинг ўзи ҳам қўл остидаги ходимларига қўл кўтаришни яхши кўришига ишора қилишни истаганлар.

Шу йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниянинг жуда ҳам янги раиси Алишер Хўжаев, ўзбек каналлари фақатгина Шавкат Мирзиёевнинг Остонадаги конференцияда ўз нутқини “Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм” сўзи билан бошлаганини кўрсатгани учун МХХга чақиртирилган. “Шу қисмини кесиб ташлаш керак эди!”, деб урушишган Хўжаевни унинг МХХдаги ҳамкасблари.

Аммо ўзбек телевиденияси раиси уларга буни амалга оширишнинг ҳеч қандай имкони бўлмаганини тушунтирган. «Мирзиёев ўзининг ташриф ва нутқлари ҳақидаги барча видеосюжетларни шахсан ўзи қайта кўриб чиқади. Ва агарда унинг нутқининг қандайдир бир қисмини кесиб ташлаганимизни кўрса, бизни жазолайди», деб тушунтириш берган А. Жўжаев ва МХХ раҳбариятининг озаки огоҳлантиришидан қочишга муваффақ бўлган.

Шу билан бир қаторда, ўзбек телевиденияси раҳбари, Шавкат Мирзиёевни обрўсизлантириш ва унинг сиёсатига бўлган ишончсизликни шакллантиришга қаратилган, ўз «контора»сининг бошқа вазифаларини қатта иштиёқ билан бажармоқда. Шундай қилиб, Алишер Хўжаев ҳеч қандай қаршиликларсиз Тошкентдаги

диний ўқитувчи аёллар ҳақидаги «Отин оининг сўнгги ови» номли теледастурни тайёрлаб, эфирга берди. Аёллар саводсизликда ва ахлоқсизликда айбланган, Тошкент шаҳри имоми Анвар Турсунов иштирокидаги шов-шувга сабаб бўлган ушбу дастур, ўзбек «контора»си буюртмасига асосан тайёрланган эди. Бу дастурнинг мақсади, қандай қилиб «Мирзиёев бир тарафдан масжидларда аёллар хоналарини очишни, уларнинг диний таълим олишларини учун шароитлар яратишни таклиф қилиб, бошқа тарафдан уларга нисбатан репрессив сиёсат олиб бораётганини», ўзбек халқига кўрсатиш бўлган.

Бундан ташқари, Рустам Иноятов Ўзбекистон президенти виртуал қабулхонаси раҳбари Турсунхон Худойбергандовга жисмоний зўравонлик билан таҳдид қилган ва унинг сиёсий ва диний моддалар билан судланган фуқароларнинг авф ёки реабилитация қилиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқмаслигини айтган. «159-модда бўйича барча аризаларни сизлар президентга эмас, бизга, «контор»га беришингиз керак. Улар қамоқхоналарда қолиши ва озодликка чиқмасликлари керак», дея талаб қилган Иноятов президент маслаҳатчисидан. Йўқ қилинишдан кўркан Худойбергандов ҳам юқорида айтиб ўтилган мавзу бўйича юборилган фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқишни ортга суришни бошлаган.

Шу мақсадда ўзбек махсус хизматлари раҳбари Жазони

ижро қилиш бош бошқармаси раҳбарияти ва прокуратура органларига президент сиёсий ва диний маҳқумлар томонидан Шавкат Мирзиёев номига ёзилган, авф қилиш ҳақидаги аризаларини жойларда қабул қилишни ва кўриб чиқишни ман қилган. Шу сабабли 2017 йилнинг август ойидан бошлаб қамоқхона раҳбарлари ва маҳаллий прокурорлар маҳқумларнинг бундай аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишдан бош тортишмоқда.

Шунингдек, ўзбек талабалари, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларининг пахта теримига мажбурий равишда чиқарилиши ҳам ўзбек «контора»си буйруғи билан бошлангани ва амалга оширилаётганлиги ҳақида тасдиқланмаган хабарлар мавжуд. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Аслида, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати бошқаруви Рустам Иноятов қўлидан, ўзбек махсус хизматлари бошқармаларидан бирининг раҳбари бўлган, генерал Рашан Шамшиев қўлига ўтиб бўлди.

Ҳозирча биз, «контора»нинг вақтинча раҳбари қайси йўналишда ишлашини билмаймиз: Иноятовнинг репрессив йўналишидами ёки Мирзиёевнинг ислохотлар йўлидами.

Фақатгина бир нарса маълум, Иноятов ўлса ҳам, лекин унинг иши ўлмаслиги мумкин.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатишунос
18.09.2017

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари миллий маркази раиси Акмал Саидов Human Rights Watch халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти ҳозирча Ўзбекистонга қайтолмаслиги ҳақида баёнот берди.

Миллий марказ раиси бунга 7 йил аввал Ўзбекистон Олий суди чиқарган қарорни асос қилиб келтирган.

“Ваколатхона очиш масаласига келинса, 2011 йилда Олий суд қабул қилган ҳукм ҳануз кучда, уни ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Табиийки, бу энг юқори инстанция ва биз бу масалани Адлия вазирлигида

Human Rights Watch ташкилоти ҳозирча Ўзбекистонга қайтолмайди

ҳуқуқий асосда ҳал қилишимиз лозим”, дея Саидовдан иқтибос келтирди Sputnik нашри.

Унинг қўшимча қилишича, бу иш ҳал бўлгунча, ташкилот вакиллари мамлакатга эркин келиб-кетишлари мумкин.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев президентликка сайланганидан сўнг HRW ташкилоти делегацияси илк бор сентябр ойи бошида бир

ҳафтага Ўзбекистонга борди, маҳаллий расмийлар ва нодавлат ташкилотлари фаоллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси 1996 йилда очилган.

2005 йил Андижон воқеаларидан кейин расмий Тошкент, аввалига, ташкилотнинг икки вакили Олег Воронцов ва Стив Свирдловларнинг акредитациясини узайтирмади. 2011 йилнинг 9 июлида Олий суд HRW ташкилотининг Тошкентдаги идорасини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Мамлакатимизда ўзгаришлар бошлангандан сўнг матбуотда «нима қилсак мамлакатимиз юксалади» мазмунидаги кўплаб мақолалар чоп этилди, этилмоқда.

Буларнинг баъзисини ўқиб кулгингиз келади, айримларини ўқиб йиғлайсиз. Аксар мақолаларда муаммонинг бош сабаби сифатида бизнинг менталитетимиз кўрсатилади! Нима эмиш, янада тезроқ ривожланишимизга тўсқинлик қилаётган нарса менталитетимиз эмиш.

Тўғри, 70 йиллик совет тузumi, худосизлик мафкурасида яшадик ва бу ўзбек халқининг мафкурасига муайян даражада таъсир ўтказди.

Аммо бу ўтмиш тузум жаҳондаги илк тамаддунларнинг бири, замонавий билимлар тамал тошини қўйиб берган, Фарбга ҳам, Шарққа ҳам устозлик қилган миллатни тубдан ўзгартира олмайди!

Мамлакат ривожидида ёки ривожланмаслигида менталитет, табиий ресурслар ёхуд географик жойлашув асосий ўрин эгалламайди. Булар иккиламчи омиллар. Буни бизга тарих кўрсатди.

Аксар «зиёлиларимиз» яхши кўрадиган сабаб – менталитетни олайлик. Агар мамлакатда одамларнинг меҳнатига яраша адолатли иш ҳақи тўланмаса, албатта, коррупция, бюрократия ўрчийди. Қайси мамлакат, қандай маданият, қандай дин бўлишидан қатъи назар.

Чунки асримиз – истеъмол асри. Одамлар истеъмол қилиши керак, бунинг учун пул керак. Адолат учун ҳақ сўралади. Озгина қўшимча даромад олиш илинжида қоғозбозлик, порахўрлик келиб чиқади. Менталитетимиздаги муаммо назарияси шунчаки музтоғнинг чўққиси, холос.

Буни исботлаш учун мисол келтираман. Шимолий ва Жанубий Корея, Берлин девори қулашидан олдинги Шарқий ва Фарбий Германия.

Бўлиниб кетгунча ям икки Кореянинг тарихи, маданияти, менталитети бир хил эди. Ҳозирги кунда Жанубий Корея энг ривожланган ва энг бой мамлакатлар қаторига киради. Шимолдаги ҳолатни эса ўзингиз биласиз.

Орадаги бундай катта фарқ ўзидан ўзи пайдо бўлиб қолмади. Иккинчи жаҳон уришига қадар умуман фарқ йўқ эди. Лекин шундан сўнг шимол ва жануб икки йўлни танлади.

Ресурслар омилини олиб қарайлик. Масалан, ресурсларга Россиядек бой мамлакат бўлмаса керак, аммо унинг иқтисодиёти ҳамон стагнацияда.

Ўзбекистон ҳам табиий



Муаммоларимизга менталитет сабабми?

ресурсларга бой. Аммо бу омил Россияни ҳам, Ўзбекистонни ҳам энг ривожланган давлатлар сафига кирита олмайди.

Сингапур ва Японияда эса ҳеч қандай табиий ресурслар йўқ. Шунга қарамай, улар иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатлар қаторида туради. Сингапур ҳатто ичимлик сувни Малайзиядан импорт қилади.

Хуллас, айтмоқчи бўлаётганим, менталитет ҳам, табиий ресурслар, ҳудуд – булар барчаси ривожланишда иккиламчи масала. Мамлакат ривожидида эса энг асосий йўналишни сиёсий институтлар белгилайди.

Юқорида тилга олинган мамлакатлар тараққиёти омиллари орасидаги энг муҳим фарқ ҳам айнан сиёсий институтларга бориб тақалади.

Ҳар бир жамият давлат томонидан белгиланган иқтисодий ва сиёсий тизимда яшайди. Иқтисодий тизим жамиятда рағбатлар яратади: илм олишга, инвестициялар жалб қилишга, инновациялар жорий қилишга ва ҳ.к.

Иқтисодий институтларни яратишда, қонун-қоидаларини белгилашда эса асосий ролни сиёсий институтлар ўйнайди.

Масалан, жамият сиёсатчиларнинг қарор қабул қилишига ўз таъсирини ўтказа оладими-йўқми, сиёсатчилар мансабини суиистеъмол қилиб, жамиятнинг эмас, ўз манфаатини юқори қўйиб бойийдимми, буни сиёсий институтлар белгилаб беради.

Адолатли институтлар жамият, одамларни рағбатлантиришга таъсир ўтказиши ва мамлакатнинг юксалиши ёки инқирозга йўл тутиши айнан уларга боғлиқ.

Хусусан, шижоатли ва талантли ёшларнинг мақсадларини рўёбга чиқариш учун шундай адолатли сиёсий институтлар керак.

Стив Жобс ёки шунга ўхшаш инсонлар мисолида кўрайлик. Уларга сифатли таълим тизими зарурий кўникмаларни берди, ўз қобилиятини кўрсатишга имконият яратди.

Иқтисодий институтлар эса уларга ўз компаниялари фаолиятини ҳеч қандай тўсқинликсиз йўлга қўйишга йўл очиб берди. Худди шу институтлар уларга ишнинг дастлабки босқичида молиявий кўмак кўрсатди.

Бу тадбиркорлар бошидан оқ орзулари ушалишига амин бўлган: улар давлатга ишонган, ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига ишончи комил эди. Асосий омил мана шу. Адолат бор жойда юксалиш бўлади.

Сингапур бош вазири ўзининг «Учинчи дунёдан биринчи дунёга» номли китобида бундай дейди: «Бизда ҳеч қандай ресурслар йўқ эди. Бизда фақатгина меҳнатсевар халқ ва адолатли бўлишга қарор қилган ҳукумат бор эди».

Сингапур эса бир авлод алмашинуви давомида қолақ давлатдан дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бирига айланди.

Бугун матбуотда кўплаб чоп этилаётган шу мазмундаги мақола муаллифлари, халқимнинг менталитетини ёмонламанг.

Сизлар айтаётган муаммоларнинг ҳаммаси симптомлар, холос. Дардни эса кўрмаяпсизлар. Касални йўқ қилсак, симптомлар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади!

Бурҳониддин Мусаев

Тошкент давлат иқтисодиёт университети 3-курс талабаси
Манба: Eltuz.com



Муҳаммад Солиҳ: “27 йиллик репрессия ва турғунликдан кейин Мирзиёев қилаётган ишлар умидли кўринмоқда”

Ўзбекистон чорак асрдан сўнг илк бор БМТ минбаридан дунё ҳамжамиятига янги президент Шавкат Мирзиёев қиёфасида тақдим этилмоқда. Бу халқаро ҳамжамиятга янгиланаётган Ўзбекистонни таништириш учун қулай имконият сифатида кўрилмоқда. Ўзбек муҳолифати етакчиси Муҳаммад Солиҳга кўра, Президент Мирзиёев бу имкониятдан самарали фойдаланиши керак. АҚШга йўл олган Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош ассамблеяси сессиясида маъруза қилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, Президент Мирзиёев 18-20-сентябр кунлари бўлиб ўтадиган АҚШ сафари давомида БМТ Бош ассамблеяси мажлисида нутқ сўзлайди. Президент АҚШда БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш, Халқаро валюта жамғармаси директори Кристиан Лагард, Жаҳон банки гуруҳи президенти Жим Ён Ким билан музокаралар ўтказди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёевнинг Америка-Ўзбекистон бизнес форумида қатнашиши, форум якунларига кўра, Ўзбекистон ва АҚШ корхоналари ўртасида йирик шартномалар имзоланиши кутилаётгани хабар қилинмоқда.

Ўтган йил президентликка келган Шавкат Мирзиёев илк бор БМТ Бош ассамблеяси мажлисида қатнашмоқда; чорак аср давомида Ўзбекистонни бу минбардан марҳум президент Ислам Каримов тақдим этиб келган.

БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон биринчи марта дунё ҳамжамиятига янги раҳбар Шавкат Мирзиёев қиёфасида тақдим этилади.

Айнан шунинг учун ҳам Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамжамиятга қаратилган илк чиқиши, нималар ҳақида гапириши муҳим кўрилмоқда.

Ўзбек муҳолифати етакчиси Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, Президент Шавкат Мирзиёев дунё ҳамжамиятига янгиланаётган Ўзбекистонни тақдим этиш имкониятидан самарали фойдаланиши керак.

“Ҳозир дунёда Мирзиёев олиб бораётган сиёсатга нисбатан қизиқиш бор. Айниқса, Каримов давридаги 27 йиллик репрессив сиёсат, 27 йиллик турғунликдан кейин Мирзиёев қилаётган ишлар, жараён умидли кўринмоқда. Ғарб давлатлари ҳам Ўзбекистонга айнан шундай умид остида қизиқиш билан қарамоқда, бу эътибор кун сайин ошиб борапти. Мирзиёевнинг БМТдаги чиқиши шу қизиқишни озиклантирадиган ғоя билан шакллантирилса, дунё давлатларининг Ўзбекистонга, шунингдек, президент Мирзиёев шахсига нисбатан қизиқиши янада кучаяди. Бу эса ўзбек халқи учун ҳам яхши бўлади. Мен ўйлайманки, Мирзиёевнинг ақли бунга етади, шунга яраша чиқиш қилади; фақат ваъда бериб, кейин унутиладиган шаклда эмас”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан қиладиган маърузаси тафсилотлари аниқ эмас, аммо Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, амалга оширилган ислохотлар, режадаги истиқболлар, ташқи сиёсатдаги устувор йўналишлар ҳақида, шунингдек, минтақадаги экологик вазият, сувдан фойдаланиш масаласига ҳам тўхтаб ўтиши

мумкин.

“Бу Мирзиёевнинг БМТга биринчи ташрифи, биринчи чиқиши. Шунга яраша, албатта, тайёргарлик кўрган. Ҳозир Ўзбекистоннинг янги раҳбарини сиёсати ҳақида кўп гапирилмоқда, турли фикрлар билдирилмоқда, умумиятла, мусбат таассурот. Албатта, бундан илҳомланган Мирзиёев нималар ҳақида гапиради, буни ҳали кўрамай. Аммо ҳозиргача бўлган ўзгаришлар биз кутган даражада бўлмаса-да, умидлар йўқолмаган, Мирзиёевнинг чиқиши шу

умидларни инobatга олади, деб яна умид қиляпмиз. Албатта, Мирзиёев ҳозиргача қилган ишлари ҳақида қисқа ҳисобот бериши ҳам мумкин, лекин бу нафақат менинг фикрим, бошқа сиёсатчиларнинг қарашига кўра ҳам, Ўзбекистонда ҳали сиёсий ислохотлар бошланмади”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

Президентнинг АҚШга сафари нафақат сиёсий аҳамиятга молик, балки Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки раҳбарлари билан кутилаётган музокаралар, АҚШ-Ўзбекистон тадбиркорларининг бизнес форумидаги иштироки назарга олинса, Мирзиёев йирик молиявий шартномаларни ҳам режалаётгани эҳтимоли юқори.

“Бу ташриф сиёсий ташриф. Албатта, бунинг иқтисодий томонлари ҳам бор. Аммо Ғарбнинг иқтисодиётини жалб этиш учун нафақат иқтисодий, балки сиёсий ислохотлар муҳим. Ғарб ўз тарихидан, тажрибасидан иқтисодий имкониятлар сиёсий ислохотларсиз ишламаслигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам Ғарб параллел равишда олиб борилган ислохотларгагина иқтисодий ётиримлар киритади. Буни Ўзбекистон раҳбарияти яхши тушуниши керак, мана иқтисодий ислохотлар қиляпмиз, эшикларни очаяпмиз, тадбиркорларга имконият бераяпмиз деган гаплар, сиёсий платформадаги ислохотлар билан дастакланмаса, бунга ишонадиганлар кам топилади”, – дейди Муҳаммад Солиҳ.

Мирзиёев сафари давомида АҚШдаги ўзбек жамоатчилиги вакиллари билан ҳам учрашув ўтказиши режаланган.

Манба: Америка овози

Пора учун бир миллиард доллар жарима

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонда Ucell бренди остида фаолият юритадиган Telia (собик Teliasonera) компанияси Ўзбекистонда мобил бозорига кириш учун пора берганига оид иддаолар бўйича АҚШ ва бошқа давлатларда давом этаётган тергов-суриштирув ишларини босди – босди қилиш учун камида 965 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга рози бўлган. Bloomberg нашрининг ёзишича, пайшанба кунни Нью Йоркда ўтган маҳкамада шундай келишувга эришилган.

Қарийб 1 миллиард долларлик жариманинг 548 миллиони АҚШ Адлия вазирлига, 417 миллион долларлик товон пули АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясига тўланади. АҚШ Адлия вазирлигига тўланадиган пулнинг ярми Нидерландия прокуратурасига берилади. АҚШ

қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси пулни Швеция прокуратураси билан бўлишиб олади.

Бу тергов суриштируви чоғида ширкатнинг Ўзбекистон мархум президенти Ислон Каримовнинг катта қизи Гулнора Каримовага алоқадор кўрилган ширкатга миллионлаб АҚШ доллари миқдорида пора берганига оид иддаолар тергов қилинди. Тергов ортидан ширкатнинг Швейцария, Белгия, Люксембургдаги банк ҳисобларида бўлган 850 миллион доллардан ортиқ маблағи музлатиб қўйилди.

Бу пора можаросига нафақат Telia, балки VimpelCom Ltd. ва Mobile TeleSystems ширкатлари ҳам алоқадор кўрилмоқда.

2016 йилнинг феврал ойида VimpelCom ширкати ҳам Ўзбекистонда пора берганига оид иддаолар ортидан 795 миллион доллар

миқдорида жарима тўлашга рози бўлган эди.

Суд жараёнида аниқлашича, Telia ширкати 2007 йилдан 2010 йилгача, Гулнора Каримовага тегишли кўрилган Takilant ширкатида бир неча юз миллион доллар миқдорида пора берган. Прокурорлар бу пора эвазига телеком ширкати Ўзбекистонда тегишли лицензияни олишга эришганини даъво қилган.

Telia ширкати ва АҚШ Адлия вазирлиги ўртасида эришилган бу келишувга кўра, 3 йил давомида ширкат пора иддаолари бўйича давом этаётган терговга ҳамкорлик қилади ва алоҳида шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга кўмаклашади.

“Бугунги келишув Telia компанияси тарихидаги аянчли саҳифасини ёпади” – деди Telia компаниясининг бошқарувчи раҳбари Йохан Денелинд (Johan Dannelind).

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонлик бир-бирини танимайдиган бир неча тадбиркорнинг “Элтуз” муҳбирига маълум қилишича, 2010-2016 йиллар давомида МХХ Миллий ҳавфсизлик ва МХ (СБ) ҳавфсизлик хизмати ходимлари ўнлаб йирик ва ўрта тадбиркорларнинг кўчмас мулкни товламачилик билан ўз номларига ўзлаштириб олган.

Ўзбекистон Бош Прокуратурасининг юқори мартабали ходимларидан бири бундай товламачиликдан жабр кўрган тадбиркорларнинг иддаоси мутлақо асосли экани, ҳақиқатан ҳам ўз номларига ўзлаштириб олишаётгани ва бу ҳол довом этаётганини айтди.

Исми сир қолишини сўраган тадбиркорлардан бири “Элтуз” муҳбирига исбот тариқасида ана шундай “ихтиёрий-мажбурий” олди сотди ҳужжатларини йўллади.

Ҳужжатда, тадбиркорнинг айтишича, у ўзига нисбатан олиб борилган тергов пайтида “ҳибс”га олинган Тошкент марказидаги 300 квадрат метрдан каттароқ квартирасини 55 миллион сўмга (6 минг доллар агрофида) Миллий Ҳавфсизлик Хизмати ходимига ўтказиб берганини кўриш мумкин.

МХХ ходимлари ўнлаб тадбиркор мол-мулкни тортиб олди

Мустақил суриштирув олиб борган “Элтуз” муҳбири, Тошкент марказидаги квартира эгасининг ҳақиқатан ҳам МХХ зобити эканини аниқлашга муваффақ бўлди.

Тақдим қилинган ҳужжатларга кўра у, 37 ёшли МХХ зобити, Анвар Халимбетовдир.

Тадбиркорнинг айтишича, Тошкентда 6 минг долларга 300 квадрат метрдан каттароқ бўлган квартира тугул “ҳожатхона ҳам сотиб олиш” имконсиз.

“Элтуз” муҳбири суҳбатлашишга муваффақ бўлган яна бир нечта тадбиркор ўзлари ва яқинлари номига қайдга олинган кўчмас мулк, машина ва қимматбаҳо буюмларни МХХ ва СБ ходимлари номига ўтказиб, ўз жонларини қутқариб қолишганини айтишди.

Улардан бирортаси ўз номлари ошкор бўлишини истамади, аммо нашр этмаслик шарт билан “олди-сотди” шартномаларини “Элтуз” муҳбирига намойиш этди.

Ўзбекистон Бош прокуратураси ходими “янги уй эгалари”дан камида бир нафарини яхши

танишини, унинг мархум президент Каримов хавфсизлик хизматида юқори мартабали ходим бўлганини билдирди.

Прокуратура ходимининг айтишича, тадбиркорлардан мол-мулкни тортиб олиш ҳоллари охири ойларда кучайган. Бу ҳолга Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий жиноятларда айбланган шахсларга нисбатан афв фармонини чиқаргани сабабдир.

МХХ ходимлари, “Элтуз” суҳбатдошларига кўра, Шавкат Мирзиёев ёмонотлик қилиш – “унинг орқасидан пичоқ уриш” – мақсадида афв фармонини оёқ ости қилмоқда.

Ўзбекистон президентининг ўтган йил октябрь ойида қабул қилган амнистия қарорига кўра Ўзбекистонда 40 мингга яқин одам афв этилди, жумладан терговда бўлган юзлаб тадбиркорларга нисбатан кўзгатирилган жиноят ишлари тўхтатилди.

Аммо, афтидан, хавфсизлик ходимлари пайтдан фойдаланиб қолишаётган кўринади.

Манба: Eltuz.com

Бу рўйхат АҚШ Конгрессига тегишли бўлиб, рўйхатга турли кўринишдаги кенг қўламли жиноятларни амалга оширган, оммавий тарзда инсон ҳуқуқларини бузган кишилар киритилади. Дастлаб рўйхатда фақат Россия бор эди, эндиликда у дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам тузилмоқда, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам.

Магнитский рўйхати (шунингдек Кардин рўйхати номи билан ҳам машҳур) – уни тузганлар позициясига кўра, аудитор Сергей Магнитскийнинг ҳибсга олиниши, унга нисбатан ёмон муомала қилиниши ва натижада ўлимига, шунингдек Россия Федерациясида инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишлари ва таркибида Магнитский ҳам бўлган юрист ва аудиторлари гуруҳи томонидан фош қилинган, солиқни қайтариш ниқоби остида Россия бюджетдан пул маблағларининг ўғирланишига масъул шахслар рўйхатидир.

Магнитский халқаро рўйхати ҳозирда ҳам очик қолмоқда. Унга Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция (БМТ) ва Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш Конвенцияси (ЕИ) шартларини бузишда гумон қилинган ҳар қандай киши киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Магнитский рўйхатига киритилди

Ва ниҳоят бугун бу рўйхатга, Ўзбекистонда “Каримов тоталитар режимининг репрессив машинаси болтаси” номи билан машҳур бўлган, мамлакат Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятлов номи ҳам киритилди!

9. Uzbekistan – Rustam Rasulovich Inoyatov, Commander, Uzbek National Security Service Case Type: GVHR via command responsibility (torture) Rustam Rasulovich Inoyatov is the head of Uzbekistan's National Security Service (SNB). The perpetrator is responsible for the arbitrary detention and torture of the chairperson of an Uzbek human rights organization who exposed fraud and corruption in his region of Uzbekistan and championed the social and economic rights of poor people and people with disabilities. The victim was arrested by the SNB on April 29, 2006 on fabricated charges of extortion as part of

the Uzbek government's campaign to silence perceived government critics following the May 13, 2005 Andijan massacre, when government forces shot and killed hundreds of largely unarmed protestors in the eastern Uzbek city of Andijan following mass public protests. Throughout his imprisonment, which continues to the present day, the victim has been repeatedly tortured, including by being beaten across his body, suffering simulated suffocation, and by being exposed to extreme cold for weeks at a time. The victim was originally sentenced to nine years in prison, but two weeks prior to his planned release had his sentence arbitrarily increased by five years. The victim has not received adequate medical care in prison despite developing multiple ailments. The perpetrator, as head of the SNB, is directly responsible for the conditions of prisoners held under the control of the SNB, and has presided over a policy and practice of torture which the Committee against Torture said in 2013 was “systematic, widespread, and encouraged.”

Магнитский рўйхатининг тўлиқ матнини ушбу линкда ўқишингиз мумкин – https://www.hrw.org/sites/default/files/supporting_resources/global_magnitsky_letter_2017.pdf

УХХ хабарлар бўлими

Мирзиёев Нью-Йоркка нега давлат самолётида учмади?

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ доирасидаги учрашувга расмий давлат самолётида эмас, россиялик миллиардер Алишер Усмоновнинг шахсий учоғида сафар қилгани борасида “Озодлик” ва ББС тарқатган хабарлар ортидан Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Николай Патрушевнинг қўтилмаганда Тошкентда пайдо бўлгани ҳақидаги гап-сўзлар ижтимоий тармоқларда баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Расмий Тошкент Шавкат Мирзиёевнинг сафари, самолёт билан боғлиқ можаро юзасидан ҳозирча бирор изоҳ бермаган.

Ўзбек муҳолифати етакчиси Мухаммад Солиҳ ҳокимиятда зимдан кечаётган курашлардан хабардорлигини билдиради, унинг фикрича, Патрушевнинг Тошкентга қилган қўтилмаган сафари айнан Мирзиёевнинг сафари билан боғлиқ. “Бу воқеалар тасодиф бўлиши мумкин эмас. Патрушевнинг тўсатдан келиб қолиниши бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Президент қайтгач, вазият юзасидан изоҳлар берилар, воқеалар ҳатто биз кутмаган шаклда ҳам ривожланиши мумкин. Ҳар ҳолда Патрушевнинг келиши мени жуда

ҳаяжонлантирди, бу бўшга эмас деб ўйлаяпмиз. Биз Россия таъсирига тушиб қолмаслик кераклигини бошиданок айтиб келяпмиз. Қолаверса, Алишер Усмонов Путиннинг яқин одамларидан бири. Аммо хавфсизлик масаласига келганда, президент шунга мажбур бўлган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам буни хавфсизлик назаридан тушуниш мумкиндир, лекин бошқа бир шаклда мустақил давлат президентининг иш одами учоғида кетиши ижобий қабул қилинмайди”, – дейди Мухаммад Солиҳ.

Сиёсий фаолга кўра, президент хавфсизлиги билан боғлиқ вазият анча қалтис, Мирзиёев ва Иноятлов ўртасидаги зиддият кескинлашгани ўз тасдиғини топмоқда.

“Мирзиёевнинг ислоҳотига қарши кучлар уни шантаж қилишаётгани, ҳатто “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га уларнинг одами қўйилмаса, самолётлар учмай қолиши, ҳатто портлаши мумкинлиги билан шантаж қилингани, бу шантаж Иноятлов томонидан бўлгани ҳақида аноним муаллиф Усмон Ҳақназар ёзган эди. Уша пайтда бу конспирацияга ўхшаб кўринди, аммо кейинги воқеалар ривож буни тасдиқляпти. Хусусан, президент ўз сафарини расмий

учоқда эмас, Усмоновнинг шахсий самолётида амалга оширгани шу аноним муаллифнинг тахминлари тўғри эканлигидан далолат берапти. Албатта, мен буни тахмин сифатида айтяпман. Буни жамоатчиликдан яширишга бўлган уринишлар ҳам тахминлар тўғри эканлигига ишора қилади. Биз умид қилмиз, Ўзбекистон бир синов даврини ўтапти, Мирзиёев самимий кўринади, ислоҳот қилмоқчи, шу босқичда бирор кор-хол, фожиа бўлишини биз истамаймиз. Аммо ҳозирги вазият бизга жуда ғайритабиий кўринмоқда. Айниқса, Мирзиёев АҚШга кетган бир пайтда, ҳеч бир садосиз Россия хавфсизлик кенгаши раҳбари Патрушев Тошкентга келди”, – дейди муҳолифатчи.

Ўзбекистонга 19 сентябр куни келган Россия Хавфсизлик кенгаши котиби Николай Патрушев Тошкентда ҳамкасби Виктор Маҳмудов билан музоқара ўтказган. Матбуот хабарига кўра, сафар Россия ва Ўзбекистон хавфсизлик идораларининг ўзаро маслаҳатлашув доирасида ўтмоқда, музоқарада Афғонистондаги вазиятга алоҳида диққат қаратилган.

Манба: Америка овози

1997- йилда Вазирлар Маҳкамаси инвестиция департаменти бошқаруви раиси ФАРҲОД МАКСУДОВ мени ҳузурига чақирди. Белгиланган вақтда етиб бордим. Қабулхонада 6-7 та министр, министр мовини лавозимидаги мулозимлар навбат кутиб ўтиришган эканлар. ФАРҲОД ака мени навбатсиз кабинетига олиб қириб кетдилар. Хонада менинг Ўзбекистон миллий валютасини либераллаштириш бўйича иқтисодий ислохотлар қилиш ҳақидаги илмий таклифларим тўғрисида гап бошлади. Ҳамма гапларни, айниқса \$ 4 миллиард иқтисодий самара ҳусусида, тўғри ёзгансан, деди. Гап менинг 1997 – йилда ёзган илмий ишим тўғрисида эди.

Мен 1997-йилгача Ўзбекистан бюджетининг кирим ва чиқим қисми қора бозор курсида ҳисоблаганда атиги ярим миллиард доллар атрофида бўлганини, бу кўрсаткич Италиянинг “Милан” футбол клуби бюджетидан паст эканини ва \$ 4 млрд сезиларли самара эканини айдим.

ФАРҲОД МАКСУДОВ мақсадга ўтиб, менга йилига 1 миллион

Ғулумқодир Турсунов: Конвертатция тарихидан

(ойига 84 минг) евро эвазига ўша \$ 4 млрд иқтисодий самарани бир оила аъзоларига ўғирлаб беришини тепадан “нозик одам” буюрганини айтди. Мен унга жавобан бу маблағ халқ учун топилганини ва у халқники эканини айтдим. ФАРҲОД МАКСУДОВ эса – “халқ билмайдику”, деди. Мен ҳайратланиб, халқ билмайди деб ўғирлаб берсак, ресурслар нархи ошиб, 15-17 йилда халқнинг \$100 млрддан ошиқ маблағи бир оила чангалида қолиб кетиши мумкинлиги, натижада халқимизнинг ярмидан кўпи Россияда гастарбайтер бўлиб қийналиши мумкинлигини айтдим.

Мен унга – “бой бўламан деб иймонимдан кечолмаслигим, орномусим бир миллион евродан анча қиммат, халққа хиёнат қилолмаслигимни”, билдирдим. Кўпчиликнинг, бу ерда бир оиладан бошқа барча ватандошларимиз ҳақида гап кетяпти, ҳақиқа хиёнат қилиш пасткашлик эканини тушунтирдим. Унга ҳам ишни

ташлашни тавсия қилдим. ФАРҲОД ака менга ака-укалари ва қариндош-уруғларини боқиши кераклигини айтди. Агар мен ишга ўтмасам Ислам Каримов мени “отказник” деб ёзиб қўйишини ва очимдан ўлдиришини айтди. Мен унга – “Аллоҳ изн берса ўлдиради”, дедим.

Орадан озгина вақт ўтиб ФАРҲОД МАКСУДОВ бошқараётган “Капитал Инвест” фирмасидан 3 йигит “Кока-Кола” заводини ҳиндларга сотганликда айбланиб, тухмат билан қамалиб қолишди. ФАРҲОД МАКСУДОВ терговчига йигитларда айб йўқлигини айтган. Суд жараёни бошланишига 2-3 кун қолганда авто-ҳалокат оқибатида ФАРҲОД МАКСУДОВ бандаликни бажо келтирди. “Капитал Инвест” ўрнига “Зеро Мах” фирмаси иш юрита бошлади.

ҒУЛУМҚОДИР ТУРСУНОВ
ноформал иқтисодчилар клуби раиси

22.09.2017, Ташкент

Усмон Ҳақназаров: МХХ тизимида деморализация ва икки ҳокимлик бошланди

Шифокорларнинг ҳаракатларига қарамай, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятовнинг соғлиги ёмонлашишда давом этмоқда.

Шу ҳафтада унинг бурнидан икки марта қон кетди ва натижада у ҳушини йўқотди. Бундан ташқари, кечалари у руҳий касаллар каби алжирай бошлади.

Шу вақтнинг ўзида МХХ тизимида деморализация, икки ҳокимлик ва Рустам Иноятовнинг тарафдорлари ҳамда рақиблари ўртасида саботаж бошланди.

Ушбу ҳодисаларнинг сабабларидан бири МХХнинг баъзи ҳудудий бошқармаларига бевосита президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзи томонидан раҳбарлар тайинланганидир.

Бошқача қилиб айтганда, Мирзиёев тайинлаган ходимлар Иноятовнинг буйруқларини бажаришни исташмапти, ва тескариси: «раис» тарафдорлари президент кадрларининг буйруқларини бадариллигини ортга суриб қўйишмоқда.

Авваллари Иноятов ва мхччи олигархларнинг рақиблари асосан МХХдан ҳайдалган офицерлар бўлган

бўлса, ҳозирда уларга, «контора» раисининг очкўз ва ёлғончи табиатини фош қилган амалдаги кадрлар ҳам қарши чиқишмоқда.

Бундай ҳолатларда Иноятовчилар номойиш учун жамоат чоратадбирларини қўллашга уринишмоқда. Шундай қилиб Иноятовчилар сентябр ойида президент Шавкат Мирзиёевга ёқиш учун Тошкентда етти тонналик палов пишириб, текинга тарқатишди.

Барчага маълумки бу шоу, Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раҳбари Ботир Парпиевнинг жияни Комил Алламжоновга тегишли бўлган Ўзбекистоннинг “Миллий” телеканали (MTV) томонидан ташкил қилинган эди. Парпиевнинг ўзбек махсус хизматлари раҳбарига ким бўлишини эса қайтариб ўтирмаса ҳам бўлаверади.

Шундай қилиб, Иноятовчилар ўзининг бу акцияси билан, ҳозирда халқ билан мулоқот ва халқ муаммоларини ҳал қилиш сиёсатини олиб бораётган президент Шавкат Мирзиёевга ёқишни исташди. Иноятовчилар ўз мақсадларига еттиларми ёки йўқ бизга маълум эмас.

Аммо, бизга шу нарса маълумки,

Иноятовчилар бир вақтнинг ўзида аввалги, халққа қарши ҳаракатларини ҳам давом эттирмоқдалар. Шундай, масалан, ўша Комил Алламжонов ўзининг амакиси Ботир Парпиев ва унинг қудаси Рустам Иноятов ёрдамида ўзбек ҳукумати томонидан, давлат автотранспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчиларни «Автотест» инновацион ҳайдовчилик мактабида давлат имтиҳонларини топириш ва аттестациядан ўтказиш ҳақидаги фармон чиқарилишига эришди.

Бу ҳайдовчилик мактабининг ҳам ўша Комил Алламжоновга тегишли эканлиги барчага маълум. Иноятовнинг қудасининг жиянига, унга тегишли «Солиқ-Инфо» газетасига ўзбек солиқчилари ва тадбиркорларининг мажбурий обунасидан келаётган миллиардлар етмаяпти шекилли.

Шу кунларда Иноятовчилар сабрсизлик билан ўз бошлиқларининг соғайишини кутишмоқда. Иноятов соғлигининг ёмонлашиши, унинг тарафдорларини, айтиш мумкинки чуқур депрессия ҳолатига тушириб қўйди.

Ва бу тушунарли. Чунки, «раис»нинг ўлими улар учун коррупцион бизнес империяларининг ўлимини англатади.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
23.09.2017

“Оқ бино оқшомлари” ҳикояси ва шу ҳикоя асосида суратга олинган бадий филми билан танилган бир неча китоб муаллифи, 63 яшар ёзувчи Нурулло Отахонов (Нуруллох Муҳаммад Рауфхон) Ўзбекистонга қайтишга қарор қилди, дея хабар беради “Озодлик” радиоси.

Сўнги икки йилда Туркияда яшаётган ёзувчи “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ширкатининг сешанба кунги Истанбул-Тошкент учоғига чиқишдан олдин “Озодлик” радиоси билан суҳбатда Ўзбекистон президентининг чет эллардаги ватандошлар юртга қайтсин деган чақириғига жавобан қайтаётганини айтди.

Нурулло Отахоновга кўра, у бундан икки йил олдин Истанбулдаги Ferfir нашриёти таклифига кўра Туркияга келган:

– Бу нашриёт китобим тақдимоти ва китобхонлар билан учрашишга мени чақирган эди. Аммо тадбирлар кечиккани боис



яшаётган оиласи унинг хануз қидирилаётганлар қора рўйхатида эканини билиб қолган.

Нурулло Отахонов эски тушунчаларнинг синиши қийинлигини айтиш баробарида Ўзбекистондаги эркинлик шабадалари эсаётганини ҳам унутмаслик кераклигини таъкидлади.

Нурулло Отахонов Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Ойимча Қақир қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси бўлимини тамомлаган. “Йўл бошида” “Дунё кенг”, “Шу ерлик киши” каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари орқали танилди.

Ёзувчининг севги мавзусидаги “Оқ бино оқшомлари” ҳикояси “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилгач, “Йилнинг энг яхши ҳикояси” деб топилган эди.

Ушбу ҳикоя асосида “Оқ бино оқшомлари” бадий филми суратга олинган. Ёзувчи турк,

Тақиқланган китоб муаллифи ватанга қайтаётир...

Туркияда узокроқ қолишимга тўғри келди. Бу орада мамлакат мустақиллигининг дастлабки 25 йилини ўз ичига олган “Бу кунлар” китобини эълон қилдим. Бу китоб чоп қилиниши ортидан муаммолар бошланди. Кўп дўстларим менга ватанга қайтмай туришни маслаҳат беришди, дейди суҳбатдош.

“Бу кунлар” асарида ёзувчи Ўзбекистон президенти Ислам Каримов асос солган режимга, мамлакатда шаклланган яккахоқимлик тузумига ва бутун жамиятда урчиб хавфли тус олиб бораётган улкан ёлғонга қарши кескин муносабат билдирган.

Ушбу китоб, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ишлайдиган

ҳодимга кўра, Ўзбекистондаги тақиқланган асарлар рўйхатида киритилган.

“Озодлик” радиосига етиб келган мақола ва аудио тасмаларда шу кунларда электрон варианты ижтимоий тармоқларда кўпчилик томонидан ўқилган ва ҳамон ўқилаётган ушбу асар муаллифига “ватан хоини” ва “юрт душмани” каби тамғалар урилаётганини кўриш мумкин.

Ўтган йили Андижон шаҳар «Уйғур» жоме масжиди имом хатиб ноиб “Бу кунлар” романига қарши мақолани интернетда эълон қилиб, ёзувчини соткинликда айблаган эди.

Ўтган ой ёзувчининг Тошкентда

гуржи, хитой ва рус адабиётидан бир қатор асарлар таржима қилган. Жумладан, ёзувчи Темур Пўлатовнинг “Тарозий тошбақаси” (“Черепаша Тарази”) романи ҳамда “Шинаванда” (“Завсегдатай”) қиссаси ҳам Отахонов таржимасида ўзбек китобхонига етиб борган ёзувчи кейинги 25 йил мобайнида “Ёшлик” (Бўлим мудири), “Муштум” (Масъул котиб), “Шарқ юлдузи” (Бўлим мудири), “Ҳидоят” (Бош муҳаррир) каби турли журналларда ҳамда “Мовароуннахр” нашриётида (Бош директор) ишлаб келган.

Отахоновнинг “Озодлик” радиосига айтишича, 2013 йил охирида очик айтилмаган сабабларга кўра бирдан “Мовароуннахр” нашриёти Бош директорлиги ҳамда “Ҳидоят” журнали Бош муҳаррирлигидан бўшатилган ва шунинг ортидан иктидор учун исталмаган кишига айланган.

Нурулло Отахонов Ўзбекистон янги президентининг 20 сентябрь куни Нью-Йоркда ўзбекистонликлар билан учрашувда қилган “четдаги ватандошлар Ўзбекистонга қайтсин” деган чақириғидан рухланиб, Ўзбекистонга қайтишга қарор қилган илк таникли шахсдир.

ЎХХ хабарлар бўлими

Yo'nalish	Reys raqami	Sana
Sтамбул, (IST), Turkiya Тошкент, (TAS), Ўзбекистон	HY 274	2017-09-26

2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида Россияни тарк этувчи мигрантлар келувчиларга нисбатан кўпрокни ташкил этди. Бу Россия қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (РАНХиГС) ўтказган мониторингда маълум бўлди.

Демографлар Россияга расман келувчи мигрантлар оқими 2017 йилнинг биринчи ярмида кейинги етти йил ичида энг паст кўрсаткичга тушганини аниқлашди. Келувчилар сони камайган, кетувчилар сони эса ўсган. Бироқ қисқа муддатли миграция, айниқса Марказий Осиё фуқаролари орасида деярли ўзгармаган.

2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида Россияни тарк этувчи мигрантлар келувчиларга нисбатан кўпрокни ташкил этди. Бу Россия қишлоқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (РАНХиГС) ўтказган мониторингда маълум бўлди. Аммо гап доимий яшаш учун келувчи мигрантлар ҳақида бормоқда. Вақтинчалик меҳнат мигрантлари борасида кескин ўзгаришлар содир бўлмади.

Доимий яшовчилар

Инқирозга қадар анча сезиларли бўлган Марказий Осиё мамлакатларидан келувчи миграция оқими кейинги вақтда камайган. Масалан, Ўзбекистондан келувчи анчагина катта миграция оқими сусайган ва тикланмаяпти, дейди мониторинг муаллифларидан бири, РАНХиГС ижтимоий таҳлил ва тахмин институти етакчи илмий ходими Никита Мкртчян.

Унинг фикрига кўра, мигрантлар оқимининг пасайишига биринчи навбатда инқироз, рубл девальвацияси ва ойлик маошларнинг камайиши сабаб бўлди. Бироқ эксперт мигрантлар сони камайишини ўта залворли деб ҳисобламайди.

“Йилнинг биринчи ярмида миграция одатдагидан паст эканлигини қайд этдик, бироқ йил якунларига кўра барчаси тикланиши ҳам мумкин”, — дейди у.

Экспертнинг айтишича, Украина фуқароларининг Россияга кўплаб кўчиб келишлари сусайганидан сўнг статистика яна ўз жойига тушди. Иттифоқдан кейинги даврда Россияга мигрантлар келиши бўйича Украина асосий ўринда бўлмаган.

“90-йилларда ва 2000-йиллар бошларига қадар асосан Қозоғистон етакчи бўлган, ундан кейин



Ўзбекистонликларнинг Россияга келиши камайди

етақчилик Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистонга ўтди”, — тушунтиради Мкртчян.

...ва қисқа муддатли мигрантлар

Тўққиз ой ва ундан ортиқ муддатга келувчи мигрантлардан фарқли равишда қисқа муддатли миграцияда вазият 2010 йилдан буён кескин ўзгармасдан келмоқда, деб таъкидлайди РАНХиГС ижтимоий таҳлил ва тахмин институти етакчи илмий ходими Юлия Флоринская.

“Россияга шу йилнинг 1 август ҳолатига туристлар, қариндошиникига, хизмат сафари билан, меҳнат мигрантлари, ноқонуний меҳнат мигрантлари ва бошқа мақсадларда 10,2 млн киши келган. Бу ўтган йилгидан сал озроқ. 2013, 2015 йиллардагига нисбатан ҳам кам. Туристлар сони эса ошган”, — дейди у.

Юлия Флоринская собиқ СССР мамлакатларидан миграция оқимининг пасайишини меҳнат бозори имкониятларининг қисқариши билан боғлиқ деб билади.

Ғарбликлар келишининг камайиши эса санкциялар билан боғлиқ, кўплаб фирмалар ёпилиб кетди, кўп ходимлар ўз юртларига қайтиб кетди, ишбилармонлик алоқалари узилиб қолди.

“Инқироз бошида Марказий Осиёдан — Ўзбекистон, Тожикистондан келувчилар камайди. Ҳозир илгариги кўрсаткичга қайтилмоқда, лекин ҳали инқироздан илгариги даражага етиб келгани йўқ. Украинадан келувчи меҳнат мигрантлари сони ҳам кескин камайди. Ҳозирда

украиналиклар ва молдоваликлар европага интилишмоқда”, — дейди демограф.

Флоринскаянинг айтишича, олдин ҳам украиналик мигрантларнинг тенг ярми Ғарбга интилган. Бугунги кунда бу кўрсаткич фақат ошиб бормоқда.

“Буни патентлар расмийлаштирилишидан сезиш мумкин. Россия ҳудудида турли мақсадлар билан жами бўлиб 2 млнга яқин украиналиклар мавжуд, уларнинг атиги 9 фоизигина патент расмийлаштирган. Тожикистон ва Ўзбекистон фуқароларининг эса учдан икки қисми патент расмийлаштирган”, — дейди у.

Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Қирғизистондан Россияга келувчилар оқими камаймаяпти. Бунга эса имтиёзлар сабабчи.

“Россияда қирғизлар сони ўсмоқда ва ўсаверади, чунки улар имтиёзларга эга. 2015 йил августда Қирғизистон ЕОИХга аъзо бўлган ва бу давлат фуқароларига ишлашга рухсатнома олиш шарт эмас. Ўшандан буён Россияда Қирғизистон фуқаролари сони тинмасдан ошиб бормоқда. Россия ИИВ раҳбарлари бу оқимни тўхтатишга уринишмоқда, лекин ҳозирча бу самара бермаяпти. Меҳнат шартномаси йўқлиги учун жарима солиш таклиф қилинмоқда. Ўзбек ёки тожикда патент йўқ бўлса, улар қонуний ишлаш имкониятига эга эмас. Қирғизга эса ҳеч нарса деёлмайсан — миграция рўйхатига турдими тамом. Аслида, Қирғизистон фуқаролари меҳнат шартномаси асосида ишлашлари ва

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тегишли органларга ҳужжатларини тақдим этишлари керак, бу эса иш берувчиларнинг зиммасида, улар бундай қилишга шошилишмаяпти”, — дейди Флоринская.

Яна учта давлат — Беларус, Қозоғистон ва Арманистон фуқаролари ҳам шундай имтиёзга эга, лекин мониторинг натижаларига кўра, улар Россияга ёппасига келишмаяпти.

Бири ўрнига бошқаси

Россиянинг Москва ва бошқа шаҳарларида 2018 йилги ЖЧ учун

бир неча йилдан бери стадионлар қурилиши давом этмоқда, лекин бу миграция бўйича статистикага ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган. Флоринскаянинг сўзларига қараганда, бу қурилишлардаги ишчилар ёки қисқа муддатли мигрантлар сирасига қиради ёки статистика маълумотларида умуман қайд этилишмаган.

“Йирик миқёсдаги бу қурилишларда ўзларини юқори малакали деб ҳисоблаб таклиф қилинган пулга ишлашни истамаган мигрантлар ўрнига келган бошқа ёлланма ишчилар ишлашган. Уйига қайтиб кетган мигрантлар ўрнини

малакаси камроқ мигрантлар эгаллаган. Шунинг учун мигрантларнинг умумий сони бирикки йил илгаригидек қолган”, — тушунтиради Юлия Флоринская.

Унинг айтишича, бу ишчилар мутлақо бошқа тоифага киришади — улар аниқ мақсад билан қисқа муддатга келишади ва Россияда яшаш учун қолишмайди. Шу боис улар Росстат кўрсаткичларида қайд этилишмайди, уларнинг Россияга ташрифлари эса фақатгина миграцион маълумотларда акс этади.

Манба: Sputnik



Нурулло Отахонов Тошкент аэропортида қўлга олинди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкент аэропортида Туркиядаги муҳожиротдан ватанига қайтган 63 яшар ёзувчи Нурулло Отахонов (Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон) учоқдан тушганидан сўнг ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинган. Бу ҳақда Reuters агентлиги 27 сентябрь куни ёзувчининг турмуш ўртоғи Гулнора Отахоновага таянган ҳолда хабар берди.

Гулнора Отахонованинг телефон орқали Reuters агентлигига 27 сентябрь, чоршанба куни билдиришича, Тошкент аэропортида учоқдан тушганларидан сўнг милиция ходимлари Нурулло Отахоновнинг қўлига кишан таққанлар. Шундан сўнг ёзувчи милиция бўлимига олиб

кетилган.

Гулнора Отахоновнинг айтишича, милиция ходимлари Отахоновнинг қўлга олиниш сабаблари ва қаерга олиб кетилаётгани тўғрисида тушунтириш бермаган, шунингдек, уларнинг ўзаро гаплашиб олишларига ҳам йўл қўйилмаган.

Нурулло Отахонов Ўзбекистон янги президентининг 20 сентябрь куни Нью-Йоркда ўзбекистонликлар билан учрашувда қилган “четдаги ватандошлар Ўзбекистонга қайтсин” деган чақириғидан руҳланиб, Ўзбекистонга қайтишга қарор қилган илк таниқли шахсдир.

Сўнгги икки йилда Туркияда яшаётган ёзувчи “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ширкатининг

сешанба кунги Истанбул-Тошкент учоғига чиқишдан олдин “Озодлик” радиоси билан суҳбатлашган эди.

Мазкур суҳбат давомида ёзувчи “Бу кунлар” асари Туркияда нашрдан чиққанидан сўнг Ўзбекистонда исталмаган шахс сифатида қидирувга берлигани тўғрисида гапириб берган.

“Бу кунлар” асарида Нурулло Отахонов Ўзбекистон президенти Ислам Каримов асос солган режимга, мамлакатда шаклланган яккахокимлик тузумига ва бутун жамиятда урчиб хавфли тус олиб бораётган улкан ёлгонга қарши кескин муносабат билдирган.

Ўтган йили Андижон шаҳар “Уйғур” жоме масжиди имом хатиби ноиб “Бу кунлар” романига қарши мақолани интернетда эълон қилиб, ёзувчини сотқинликда айблаган эди.

Нурулло Отахонов Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Ойимча Қақир қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг ўзбек филологияси бўлимини тамомлаган. “Йўл бошида” “Дунё кенг”, “Шу ерлик киши” каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари орқали танилди.

Ёзувчининг севги мавзусидаги “Оқ бино оқшомлари” ҳикояси “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилгач, “Йилнинг энг яхши ҳикояси” деб топилган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Нурулло Отахонов кидирувдалиги боис Туркиядан келиши билан қўлга олинган. Ҳозирда тергов тадбирлари олиб борилмоқда.

Тошкент ИИББ бошлиғи ўринбосари Дониёр Тошхўжаев пайшанба куни бўлиб ўтган брифингда ёзувчи Нурулло Отахоновнинг пойтахт аэропортида қўлга олинганига изоҳ берди.

ИИББ ёзувчи Нурулло Отахоновнинг қўлга олиниши юзасидан баёнот берди

Нурулло Отахонов (тахаллуси — Нурулло Муҳаммад Рауфхон) 27 сентябрь куни икки йил яшаган Туркиядан Ўзбекистонга қайтиб келди. У расмий кидирувда эканлиги сабабли етиб келиши билан қўлга олинди, дея хабар қилди Дониёр Тошхўжаев.

«Отахонов Нуруллога нисбатан 11 май куни 159-модда бўйича [Жиноят кодекси — Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш] жиноий иш кўзғатилди, — Дониёр Тошхўжаев. — Мазкур жиноий иш бўйича қатор тергов ҳаракатлари амалга оширилди ва унга нисбатан 159-модда 1-қисм, 244-модда 3-қисм „г“ банди бўйича сиртдан айблов эълон қилиниб, қамокқа олиш кўринишидаги чора танланган ва кидирув эълон қилинган».

Дониёр Тошхўжаевнинг таъкидлашича, айна пайтда жиноий иш бўйича ёзувчига нисбатан амнистия тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмас. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига расман мурожаат қилмаган.

«Ҳозирча тергов олиб бораёпмиз. Биз [барча зарур] тергов тадбирларини олиб бораемиз, агар керак бўлса, қўшимча экспертиза белгилаймиз. Агарда унинг айби тасдиқланмаса ёки унинг ҳаракати амнистия актига тушса, табиийки биз қонун билан қарор қабул қиламиз», — деди у.

Манба: Газета.уз

Нуруллох Муҳаммад Рауфхонга “Бу кунлар” романи учун жиноий иш очилди

Би-Би-Си ўзбек радиосининг хабар беришича, Тошкент халқаро аэропортида ҳибсга олинган ёзувчи Нуруллох Муҳаммад Рауфхон (Нурулло Отахонов)га “Бу кунлар” романи учун жиноий иш очилган. Ёзувчига нисбатан жиноий иш очилганлиги яқинларининг у билан учрашганида маълум бўлган.

Нуруллох Муҳаммад Рауфхоннинг Истанбулда истиқомат қилувчи ўғли Файзуллахон Отахоновнинг Би-би-си радиосига айтишича, дадасига у ёзган “Бу кунлар” асари сабаб жиноий иш очилган.

“Онам ва укам Яшнаобод туман ички ишлар бошқармасида сақланаётган дадам билан учрашган. Жиноий иш очилишига Вазирлар маҳкамаси қошидаги дин ишлари кўмитаси томонидан дадамнинг “Бу кунлар” китобига ёзиб берган экспертиза хулосаси сабаб бўлган”, дейди Файзуллахон Отахонов.

Олдинроқ Яшнаобод туман ички ишлар бошқармасидан Нурулло Отахоновнинг яқинларига икки хил хабар айтишган.

“Терроризмга қарши курашиш бўлиmidан Акбар исмли ички ишлар идораси ходими дадамиз шунчаки савол-жавобдан сўнг уйга қўйиб юборилишини айтган. Бироқ Жиноий кидирув бўлиmidан Даврон исмли масъул дадамизга нисбатан жиноий иш очилганини ва ҳали бери қўйиб юборилмаслигини айтган. У онам ва укамни ички ишлар бошқармасида кутиб турмасликка ва адвокат ёллаш кераклигини таъкидлаган”, — дейди ёзувчининг Истанбулдаги ўғли Файзуллахон Отахонов.

Файзуллахон Отахоновнинг айтишича, 2016 йил август ойида ёзувчининг уйида тинтув ўтказилган. Бироқ ўша вақти унга нисбатан ҳеч қандай айбловлар олдинга сурилмаган.

Орадан бир йил ўтиб Яшнаобод туман ички ишлар бошқармаси жиноий кидирув бўлиmidан Даврон ўша вақти топилган диний адабиётлар туфайли Нуруллох Муҳаммад Рауфхонга нисбатан жиноий иш очилганини маълум қилган.

Бироқ ёзувчининг рафиқаси ва ўғли Нуруллох Муҳаммад

Рауфхоннинг олдида кирганида Даврон исмли ходим ушбу гапларидан тонган.

Би-би-си Ўзбек хизмати Яшнаобод туман ички ишлар бошқармаси билан боғланиб вазиятга ойдинлик киритишга ҳаракат қилди.

Гўшакни кўтарган навбатчи 10 дақиқадан сўнг кўнғирок қилишимизни сўради. Аммо кейинги қилинган кўнғирокларга жавоб бўлмади.

Чоршанба куни тонгда Истанбулдан Тошкентга учиб борган таниқли ёзувчи Нуруллох Муҳаммад Рауфхон (Нурулло Отахонов) Тошкент аэропортида ҳибсга олинган.

Бу ҳақда “Рейтерс” ахборот агентлиги адабнинг аёли Гулнора Отахоновага таяниб хабар тарқатди.

Унинг сўзларига кўра, милиция ходимлари паспорт текширувидан ўтиш чоғида ёзувчининг қўлига кишан солган.

Гулнора Отахонованинг айтишича, турмуш ўртоғи сўроқ қилиш учун ички ишлар идорасига олиб кетилган.

Таниқли ёзувчи Нуруллох Муҳаммад Рауфхон охириги бир йилда Туркияда муҳожирликда яшаётганди.

Ўзбек расмийлари уни Каримов бошқарувини танқид қилувчи “Бу кунлар” асари боис “қора рўйхат”га киритгани ва кидирувга бергани хабар қилинган.

Аввалроқ ёзувчининг ўзи “қора рўйхат”дан чиқарилгани ҳақида Фейсбукдаги саҳифасида маълум қилган эди.

У душанба куни ватанга қайтиш қарори ҳақида ҳам Фейсбукда эълон қилган, давлатга қарши эмаслигини айтиб, дўст-ёрларидан дуо қилишни сўраганди.

Нуруллох Муҳаммад Рауфхон узок йиллар мобайнида Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасининг “Ҳидоят” журналига ҳам раҳбарлик қилган.

“Бу кунлар” романида у Каримовнинг диний сиёсати, мусулмонлар ва сиёсий муҳолифларга қарши репрессияларни қоралайди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Қочқинликда яшаётган Ўзбекистонлик журналист Назрулло Охунжонов Киевда қамоққа олинди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, “Ўзбекистон” радиоканали “Янги жамият” студиясининг Сиёсий, ҳуқуқий ва маърифий эшиттиришлар бўлими собиқ мудирин Назрулло Охунжонов Украинага сиёсий бошпана излаб келгани ортидан ҳибсга олинди. Бош қароргоҳи Нью-Йоркда жойлашган Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси Киев расмийларидан Охунжоновни Ўзбекистонга экстрадиция қилмасликни илтимос этмоқда.

Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитаси 27 сентябрь куни Украина ҳукуматига мурожаат қилиб, ўзбекистонлик журналист Назрулло Охунжоновни ҳибсдан озод қилишга чақирди.

Охунжоновнинг адвокати Алексей Федоров Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитасига ўз ҳимоясидаги одам Ўзбекистонга экстрадиция қилиниши мумкинлигини айтган.

27 сентябрь куни Киев суди 2013 йилдан бери Ўзбекистондан ташқарида яшашга мажбур бўлиб келаётган Охунжоновни тергов якунланганига қадар 40 кунлик муддатга ҳибсда сақлаш қарорини чиқарди.

Назрулло Охунжонов 20 сентябрь куни сиёсий бошпана олиш мақсадида Туркиядан Киевга учиб келган пайтда қўлга олинган. Украина ҳукуматининг билдиришича, Охунжоновнинг ҳибсга олинишига унинг исми-шарифи Интерпол томонидан қидирувга берилган шахслар рўйхатида қайд этилгани сабаб бўлган.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон ҳуқуқ – тартибот тузилмалари Назрулло Охунжоновни товламачиликда айблаб халқаро қидирувга берган.

Адвокат Федоровнинг айтишича, Охунжоновнинг ўзи бу айбловларни инкор қилмоқда ва сиёсий сабаблар билан Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлганини айтмоқда.

“Биз Украина ҳукуматини Назрулло Охунжоновни озод этишга, унинг Украинада қолишига рухсат беришга ва унинг экстрадиция қилиш тўғрисидаги талабларни ижобатсиз қолдиришга чақирамиз. Охунжонов Ўзбекистонда журналистик фаолияти учун жиддий таҳдидлари остида қамоққа ҳукм қилиниши мумкин. Ўзбекистонда журналистларни танқидий нуктаи назарлари учун таъқиб қилиш одатий ҳолатга айланган”, деди Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитасининг Европа ва Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштирувчиси Нина Огнянова.

Адвокат Федоровнинг айтишича, Охунжонов Туркияда амалга ошмай қолган давлат тўнтаришига уринишдан сўнг инсон ҳуқуқлари вазияти тобора ёмонлашиб бораётгани ортидан Украинага келишга мажбур бўлган. Назрулло Охунжонов Озодлик радиосининг OzodNazar эшиттиришининг доимий экспертларидан бири қаторида бир неча йиллардан бери Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларга ўз нуктаи назарини билдириб келар эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Тошкентда журналист Бобомурод Абдуллаев бедарак йўқолди

Би-Би-Си ўзбек радиосининг хабар беришича, Тошкентда журналист Бобомурод Абдуллаев бедарак йўқолган. Турмуш ўртоғининг Би-би-си Ўзбек хизматига маълум қилишича, журналист чоршанба куни тушдан сўнг уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

“Тушдан сўнг машинани устадан оламан деб чиқиб кетган эди. Шундан сўнг қўнғирокларимга ҳам, мактубларимга ҳам жавоб бермади”, дейди журналистнинг турмуш ўртоғи.

Бобомурод Абдулла Ўзбекистонда футбол журналисти сифатида танилган. Футбол федерацияси ва терма жамоа мураббийларини кескин танқидлари билан ажралиб турган.

Унинг танқидий мақолалари Ўзбекистондаги футболга асосланган веб саҳифаларда чоп қилинган.

У бир вақтлар “Озод овоз” мустақил веб сайтига асос солган. Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR) нинг Тошкентда муҳбири бўлиб ишлаган.

“Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” уюшмаси раҳбари Надежда Агаеванинг маълум қилишича, журналист сўнгги вақтларда уни кимдир кузатиб юрганини сезган.

Human rights watch ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича ижрочи директори Хью Уиллиамс Би-би-си Ўзбек билан суҳбатда Ўзбекистонда журналистнинг йўқолиб қолиши хавотирли эканлигини билдирди.

У агар журналист ҳуқуқ тартибот органлари томонидан ушланган бўлса яқинларига хабар берилиши кераклигини айтди. Халқаро ташкилот масъули бундай ҳолатлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўсига салбий таъсир қилиши мумкинлигини билдирди.

Бобурод Абдуллоев Би-би-сига Ўзбекистондаги муаммоли мавзуларда ўзининг эркин фикрларини бериб турган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Тошкентлик 44 ёшли журналист ва спорт шарҳловчиси Бобомурод Абдуллаевнинг уйида 29 сентябр куни пешиндан кейин Юнусобод туман ИИБ тезкор гуруҳи тарафидан тинтув ўтказилди. 3 кундан буён қаердалиги номаълум қолаётган Бобомурод Абдуллаевнинг ўзи эса, 27 сентябр куни ўғирликда гумонланиб қўлга олингани “Озодлик” радиосига бир неча соат олдин маълум бўлган.

Бу ҳақда “Озодлик” радиосига Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг исми айтилишини истамаган зобити маълум қилди.

Унга кўра, Бобомурод Абдуллаев 27 сентябр куни Юнусобод ИИБ ва МХХ тезкор кучлари иштирокидаги тезкор амалиёт натижасида қўлга олинган.

Бундан олдин журналистнинг турмуш ўртоғи Катя Балхибоева эрининг “йўқолиб қолгани” ҳақида “Озодлик” радиоси мухбирига айтган эди.

Балхибоева Тошкент шаҳар, Юнусобод туман ИИБсига Бобомурод Абдуллаев йўқолиб қолгани ҳақида 29 сентябрь куни эрталаб ариза топширди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг исми айтилишини истамаган зобити



Журналист Бобомурод Абдуллаевнинг уйида тинтув ўтказилди, унинг ўзи қўлга олинган

“Озодлик” радиоси мухбирига, қонунга биноан, қўлга олинган шахснинг яқинларига бу ҳақда ўша куннинг ўздаёқ маълум қилиниши кераклигини эслатди.

«Аммо оператив операция самарадорлиги юзасидан баъзи ҳолларда қўлга олиш жараёни сир тугилади. Абдуллаев масаласида МХХ талаби билан унинг оиласига хабар берилмади», деди.

Мулозимнинг айтишича, Юнусобод туманида юз берган ўғирлик жиноятида Абдуллаев гумон қилинувчи сифатида кўрилмоқда.

Абдуллаев яқинларининг айтишича, унинг уйи тинтув қилиш давомида махсус компютер муҳандислари журналистнинг компютери файлларини текширди.

Журналистни яқиндан таниган ҳамкасби Қудрат Бобожоновнинг фикрича, Бобомурод Абдуллаев касбий фаолияти учун «жазоланмоқда»

– Шахсан мен Бобомурод Абдуллани, узоқ вақтлардан бери бирга ишлаганим учун, ниҳоятда тўғри ва ҳалол журналистлардан бири сифатида билардим, деди Қудрат Бобожон “Озодлик” радиоси билан суҳбатда.

28 сентябрь куни ижтимоий тармоқларда журналист Бобомурод Абдуллаевнинг бедарак йўқолгани ҳақида ҳавотирлар пайдо бўлган эди.

“Озодлик” радиоси билан суҳбатда Бобомурод Абдуллаевнинг

турмуш ўртоғи Балхибоева “26 сентябрь куни соат 13.30 да кимдир машина устасиман деб эримни ташқарига олиб чиқиб кетди. Шундан сўнг кўнғироқларимга ҳам, СМСларимга ҳам жавоб бермади”, деди журналистнинг турмуш ўртоғи.

“Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари” уюшмаси раҳбари Надежда Атаеванинг “Озодлик” радиосига маълум қилишича, у Бобомурод билан бир неча кун аввал ижтимоий тармоқлар орқали алоқа қилган ва ўшанда Бобомурод сўнгги вақтларда уни кимдир кузатиб юрганини сезганини айтган.

Бобомурод Абдуллаев футбол шарҳловчиси сифатида Стадион.уз сайтида ишлаган.

Кейинги пайтларда мамлакатдаги футбол мулозимларини кескин танқид қилиб келган. Абдуллаев, шунингдек, ўз сиёсий қарашларини “Озод овоз” мустақил веб сайтида баён қилиб келган. Аммо сайт Ўзбекистон матбуот ва ахборотлаштириш қўмитаси талаби ортидан ёпиб қўйилган эди.

Журналист бир неча йил муқаддам Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти (IWPR)нинг Тошкентда мухбири сифатида ва «Интерньюс» халқаро ташкилоти медиа лойиҳаларида ишлаган.

Бобомурод Абдуллаев “Озодлик” радиоси давра суҳбатларида қатнашиб турган.

УХХ хабарлар бўлими



Буюк маърифатпарвар адиб, замондошимиз Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг Тошкент қўналғасида ўзбек хавфсизлик идоралари томонидан қўлга олинганлигини эшитганларнинг аксари, “бундай бўлиши мумкин эмас эди” дегандай, бироз эсанкираб қолишди. Чунки, улар диктатор И. Каримов ўлиб, миллатнинг бошидан зулм булутларининг тарқаганига – Узбекистонда доруломон кунлар бошланганига қаттиқ ишона бошлаган эдилар.

Рости, мен бу воқеани эшитиб, ҳам хафа бўлдим, ҳам бироз хурсанд бўлдим.

Хафалигимнинг боиси, қўлига кескир қилич – “Бу кунлар”ни олиб, жаҳолатга қарши маърифати билан омонсиз жанг майдонига отилган адибни ҳукумат ҳурматсизлик билан қарши олди. Яъни, ҳукумат мамлакатнинг ва миллатнинг содиқ дўсти бўлмиш Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг қўлларига кишан солиб, И. Каримовдан қолган қабаҳотга асосланган тузум тарафида эканлигини эл-оламга очиқ намоийш қилди.

Адиб “Бу кунлар” асари билан миллатнинг ҳурмат-эътиборига молик катта бир ишни амалга оширган эди.

Зотан, тириклигида Аллоҳга қойимлиги ва ватанига бўлган чексиз меҳри, тўғрисўзлиги билан элт-юртга танилган кимса, қаҳрамонлардай кутиб олинишга лойиқ эди. Фидойи ўғлонини қаҳрамонларча қаршилаган миллатнинг ҳам, шу йўсинда ҳақ-ҳуқуларига соҳиб чиқа олиши, ўзи даъво қилгани сингари ҳақиқий етук бир халқ сифатида бу дунёда ўз ўрни, ўз фикри, ўз айтар сўзи борлиги маълум бўларди.

Хурсандлигимнинг боиси эса, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон тимсолида, Аллоҳ ўзбек зиёлиларини синамоқликни жазм этган, дея ўйладим. Бу биз учун – яъни ўзбек миллати учун тараққиётга, маънавий юксалиш оламига катта бир имконият эди. Ҳар доим такрорланиб турадиган бу имкониятдан бу дафа фойдаланиб қолиш-қолмасликнинг юки президент Шавкат Мирзиёевнинг эмас, энг аввал ўзбек зиёлиларининг зиммасига тушишини ҳамма ҳам фаҳмлайвермас керак.

Президент бош бўлса, зиёлиларнинг миллат шуури ва руҳи эканлиги ҳам бор гап. Рўхсиз вужуднинг қуруқ ёғочдан, бошнинг эса, жоҳил мулло ўраган салладан фарқи йўқ.

Жадидлар ўлдирилгач, ўзбек миллатининг ичидаги қолган-қутган зиёлилар ҳам охиригача душманлар томонидан мавҳ этилди. Жамият қарийиб, юз йиллар

Қиёфа

зиёлилар қатлаמידан мосуво, мунофиқларнинг измида қолиб кетди. Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар қори, Қодирий ва Авлонийлар каби юзлаган аҳли вафолардан сўнгра, миллат умуртқасини қайта ростлаб, ичидаги дардини айта олгани йўқ. Ҳамма бирдай оғзига талқон солиб олди. Инсонларни кўрқув эшак этиб минди. Майдонга зиёлилар қиёфасидаги маддоҳлар чиқди. Улар сохта шон-шухрат, мол-дунё дея, бир пайтнинг ўзида ҳам халқни, ҳам ҳукуматдагиларни авраб, уларнинг дунёсини ёлғон-яшриқлар билан тўлдирди. Каримовни миллатнинг бошига чиқарган ҳам, халқни золимнинг оёқлари остига поёдоз қилган ҳам улар. Улар шахс бўлганларида, мустабид инсонийлик чегараларини бузиб чиқиб, хоҳлаган ўтини ея олмасди.

Эртага, Шавкат Мирзиёевни хароб қиладиганлар ҳам, мана шулар.

Ижтимоий тармоқларга боқинг, мамлакат ичида бир-икки кимсани айтмаганда, бу воқеага муносабат билдираётган кимсани кўрмайсиз. Улар, кечагина кўкракларига уриб, аюҳаннос солаётган эдилар, даҳоланиб, томоқ йиртаётган эдилар. Бугун, улар ижтимоий тармоқларда кўринмай қолдилар. Пистирмага чекиниб, кузатувчилик мақомига ўтиб олдилар. Улар нима қилмасинлар, ҳар доимгидек вазиятдан келиб чиқиб иш кўрадилар. Яъни, бу сафар ҳам юз йилдан буён амалга ошириб келаётган ишларига содиқ қоладиганлар.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон уйига омон-эсон етиб борганда, нима бўларди? Ҳаммалари қаҳрамонни қутлагани борар, адибнинг мақтовлар бисёрлигидан, кўнғироқлардан силласи қурирди. Балки, сохтакорларнинг ширин-шакар гап-сўзларидан шишиб, ҳаволанарди. Аллоҳ, уни бир балодан қутқарди. У янаям, ҳушёрроқ, янаям камтарроқ бўладиган бўлди энди.

У ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг севган қўлларидан бири экан. Бўлмаса, у ўзининг хофизаси билан бу тузоқдан чиқиб кета олмаслиги ҳам мумкин эди.

Қамоқхона, бу каби сохтакорликлар урчиган жамиятдан юз маротаба афзалдир.

Шу учун мен Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхонни ҳимоя қилиб, бу гапларни сўзлаётганим йўқ. Уни, Аллоҳнинг ўзи ҳимоя қилсин!

Уни Аллоҳ севмаганда эди, у уйи-жойини, роҳатини ташлаб, олтмиш ёшдан ўтганда ҳижрат

қилиб, Туркияга келмасди. Унинг юрагига Аллоҳ ўзи чўғ солмаганда эди, у диктатор Каримовга қарши туриб, “Бу кунлар”ни ёзмади. Уни инсонлар қафтида кўтариб, ҳурмат-эътиборини жойига қўйиб юрганда, у яна иссиқ ўрнини совутиб, ватанга қайтмасди. Мамлакатнинг, миллатнинг рўшнолиги учун белини тортиб, етти жойидан боғламасди, президентнинг сўзларига ишонмасди. Демак-ки, у самимият дунёсининг фуқароси. Не деса, тўғрисини сўзлайди, биров ёлғон сўзласа, унга ҳам ишонади. Мақсади, Аллоҳнинг розилиги. Берилган қисқа умрдан самарали фойдаланиб қолмоқчи. Ясама ва ёлғондакам умр кечиришга тоқати йўқ. Шундай экан, бу ҳолатни ўнинг учун хавф-хатар деб бўлмайди. Улса, шахидлик шаробини сипқоради, олди очилса, миллатнинг ва мамлакатнинг тараққий этиши учун терлаб-пишиб меҳнат қилади. У ҳар икки ҳолатда ҳам ғалабага, Аллоҳнинг розилигига эришади...

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон баҳонасида, президент Шавкат Мирзиёев учун реал хавф-хатар – ҳақиқий синов пайдо бўлди, деса тўғри бўлади. Бу синовнинг сўнги хайрли бўлсин. Бўлмаса, бунинг жабрини, халқ тортади. Хавфни бартараф этиш эса, зиёлиларнинг қўлида. Агар Узбекистонда зиёли дегудек зиёли бўлсада, ўттиз-қирқининг боши бирикиб, президентга мурожаат – талаб билан чиқса, ҳаёт измига тушади. Баробарида, президент халқнинг қудратини ҳис эта бошлайди.

Зотан, зиёлилар ҳар қандай нормал жамиятларда миллатнинг қиёфаси масъуллиги билан зиёли.

Бизда эса, ундай эмас. Агар бошқа халқларнинг ҳам зиёлилари бизникилар сингари оғмачи бўлганларида эди, у халқларнинг оловидан кули ҳам қолмасди. Аллоҳга шукурлар-ки, ўзбек рўхсиз ва бошсиз юз йиллардан буён, жонини ва шаънини кўзининг қорачуғида асраб келяпти. Бошсиз чавандоздай қоронғи тунлар кечиб, Муҳаммад Солиҳ ва Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон каби қуёшларни дунёга беряпти! Демак, ёруғ кунларга оз қолди. Демак, бу миллат оидин ва кенг йўлларга чиқмоқ учун қўлидан келган барча ишни қилади!

Балким, биз ҳақиқатан ҳам оидин ва кенг йўл чиқиб олгандирмиз ҳам!

Бу барибир, президент Шавкат Мирзиёевнинг кимлигига ва ўзбек зиёлиларининг шахс сифатида, ўзларини қандай тутишларига боғлиқ бўлиб қолаверади!

Нуруллоҳ Рауфхон ҳақида сўнги тафсилотлар

Адвокат дадамлар билан кўришиди

Адвокатнинг бугуни дадам билан кўришиш, суҳбатлашиш ва аҳволни ўрганиш билан ўтган. Адвокат шахсан ўтириб дадам билан суҳбатлашган. Мени ёзадиганларим шу суҳбат тафсилоти.

Аҳволлари ёмон эмас, турган жойлари яхши, хонадошлари орасида ёшлари катта бўлгани учун алоҳида ҳурмат қилишяпти экан. Фақат юраклари безовта бўлган, дори беришган ўтиб кетган. Тоштурма ходимлари шу пайтгача яхши муомала қилишган. Ортиқча гап сўз қилишмаган.

Диний кўмитанинг хулосаси қаттиқ тухмат эканини терговда айтганлар ва норозилиklarини ёзиб берганлар. Қайта кўриб чиқиши кераклигига ариза берганлар. Кўмитанинг хулосаси эксперт гуруҳи тузилиб ёзилган

ва бир киши қўл кўйган (кимни қўл кўйганлиги ҳали аниқ эмас). Адвокат бу хулосани ва бошқа айблов ҳужжатларни оломаган. Буларнинг ҳаммаси Яшнобод туман ИИБ теговчиси Музаффар Каримов қўлида экан. Телефон қилса жавоб бермаган. Адвокат у билан эртага кўришишга ҳаракат қилади.

Дадамларни кеча (28.09.2017) Яшнобод ИИБга терговга олиб борган. Китоб ҳақида кўпроқ сўралган, керакли жавобларни айтганлар.

Аслида бу иш 2016 йил май ойда сиртдан (заочный) санкция берилиш билан бошланган ва бу ҳозиргача олиб ташланмаган. Бу ҳам ишни шу ҳолга келишига сабаб бўлган.

Сиз азизларни бу ноҳақликка қарши муносабатиларни эшитиб жуда хурсанд бўлибдилар. Сизларни бу фаолиятлар натижасида ҳақиқат

қарор топишига ишонаптилар. Салом айтганлар ҳаммага. Бу сафар ҳам илтимос қилибдилар: ўзлари ва китоблари ҳақида таҳлилий хулосалар кўпроқ ёзилса, холис ёндашилса, деяптилар. РАСМИЙ ИДОРЛАРГА берилса, мурожаат қилинса ва бу алоҳида алоҳида ёки биргалашиб имзо тўплаш билан амалга оширилса, деганлар. Чунки Кўмита хулосасини инкор қилганлар. Энди бу ишни қайта кўриб чиқиши учун мурожаат қилинади. Кўпроқ таҳлилий хулосалар керак бўлади.

Шу пайтгача ишлаган жойларидан ва энг муҳими охириги иш жойларидан (Мовароуннаҳр нашриёти) тавсифнома олиниши керак экан. Холис тавсифнома ишни анча енгиллаштиради.

Душанбадан бошқа адвокат ҳам кўшилади, ҳозирча икки адвокат иш олиб боради.

Ҳозирча бор гап шу, қўллаб турганларга катта раҳмат.

Файзуллаҳон Отахонов
facebook.com

Хатдан хабар топган, уни ўқиган айрим дўстларим маломат тошини отишни бошлашди. Мен ҳам террорчи, экстремист эмишман. Пиар керак бўлқопти! Ижодимни энди ўқишмасмиш!

Барақа топинглар! Ўқимасангиз катта кўча! Агар оқни оқ деганим учун асабингизга теккан бўлсам бемалол, қора рўйхатга тиқиб, блоклаб ташласангиз ҳам розиман.

Агар мен террорчи бўлсам, унда сиз кимсиз? Ман- ман деган юрт фидоийларини бошига етишларига қараб турган манқуртлар эмасми? Ватандан ташқарида юрганларни қўя туринг, ичкаридагиларни ҳам хор қилиб ташладикку!

Иккала қулоғингиз билан эшитинг, «Бу кунлар» да тилга олинган манфур ишларга фақат собиқ Президентгина айбдор эмас. Сизга ўхшаган лаганбардор, ўз манфаатини элдан устун кўйган сохта Ватанпарварларнинг ҳам гуноҳи катта! Айнан сиздакалар туфайли Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирийлар йўқотилган, Сиздакалар туфайли миллатпарвар зиёлилар эмас, миллатқарғар риёкорлар халқ қаҳрамони сифатида эъзланди.

Мустақил бўлдик деб дўппимизни осмонга отган эдик. Янги Давлатга асос солиш осон иш эмас! Хаттоки Мўсо Алайҳисалом ҳам уч кунлик манзилга ўз қавмини қирқ йил адаштириб олиб борган. Сабаби, қавм онгидаги чиркин ғоялар, қуллик сарқитлари йўқолиб, миялари тозалансин, хур фикрли



“Мустақил бўлдик деб дўппимизни осмонга отган эдик” ...

халқ бўлсин деб! И. А. Каримовнинг ҳам нияти ёмон бўлмагандир?! Уни юрт тинчлиги учун қилган хизматларига бош эгаман! Лекин онгимизга, қон-қонимизга сингиб кетган манқуртликдан халос эта олмади. Бир-биримизни тишлаш, ейишдан, мағзава ағдаридан бошқа ҳеч нарсага ярамаймиз. Миллат зиёлилари, фидоийларини асрашни билмаймиз. Бир ҳовуч жохилларни ноғорасига ўйнаб, уларга кўшилиб оқилларга тош отаверамиз. Шу сабаб, дунё тан олган даҳолар эмас, фидоий ўқтувчига, малакали шифокорга, билимли инженер ва хоказоларга ..га ялчимаймиз. Сал адолат излаб қолса, яққалаб, моховни кўргандай

қочамиз. Ўлимидан сўнг эса, буюк эди, зўр эди деб аюханнос соламиз.

Тиригида эъзозласак у миллат равнақига, Ватан тараққиётига хизмат қиладику! Афсус, миллатнинг асл фарзандларини эмас, тараққиёт томирига болта ураётганларни ура ура қилиб кўтарамиз. Кетимизга тепиб турган оёқларини ўпиб, пой-қадамларини кўзимизга суртиб яшаймиз.

Қачон халқ сифатида яқдил бўла оламиз?! Агар шу туришимиз бўлса ҳеч қачон! Хуллас, оппоққина дўстларим агар фикрларим ёқмаса, марҳамат, бемалол дўстларингиз сафидан ўчираверинг!

Муаззам Иброҳимова
facebook.com

Нуриллоҳ акага ачинишдан кўра кўпроқ ҳавас қиялпман

Май ойида учрашгандим. Ўшанда шундай деган эдим:

– Ака, юртга қайтишингиз мутлақо тўғри эмас. Мен бир бошидан ўтган одам сифатида айтяпман. Улар сиздан китобингиз ҳақида сўраб ҳам ўтиришмайди. Сизга хаёлингизга ҳам келмаган саволларни беришади. Эртага давлатни олишсанг, сен қаерга ҳоким бўлишинг керак эди? Қуруллар қаерда? Бошлиқинглар ким? Қандай режаларинг бор? Мана шу саволларига жавоб олмагунича қийнайверишади, азоблайверишади. Кўзингизнинг олдида бурунларига оқ дорини шимиришиб, мана энди сен билан гаплашаман, дейишади ва ваҳшийларча азоблашни бошлашади. Жон ака, бу

фикрингиздан кайтинг, юртга қайта кўрманг!

Учадиган куни эрталабгача ухлолмадим. Нима бўлди, деб бировдан сўролмадим ҳам. Кейин эса ўша хабарни эшитдим. Ўзим ушлангандек, ҳамма жойим калтираб кетди. Қаттиқ кўрқдим. Менда ўша эски хотиралардан таъсирланиш асорати ҳалигача кетмаган экан.

Кейинроқ уйдагилари билан учрашгани ва гаплашгани ҳақида хабар келди. Бироз енгил тортидим. Ичимда у қадар оғир эмас шекилли, деган илинж пайдо бўлди.

Ҳозир эса ачинишдан кўра кўпроқ ҳавас қила бошлаяпман. Нега, дейсизми?

* Нуриллоҳ аканинг болалардек ишонувчанлигига, соддалигига,

беғуборлигига;

* Халқ уйғониб, ҳақ ҳимояси сари одим отишига сабаб бўлаётганига;

* ”Бу кунлар”га қизиқишнинг кучаётгани ва олдин ўқимаган минглаб одамларнинг ўқиётганига;

* Ўз жонини хатарга солиш эвазига ёзган фикрларига жон ато эта билганига;

* Ҳатто оғзига мум солиб ўтирганлар ҳам виждон азобидан қийналаётгани ва бу нарса уларни бир кун портлашга олиб келиши мумкинлигига;

* Эски даврда шаклланган зулм машинаси янги даврда ўзини яширишга, хаспўшлашга уринаётганига қарамай, кенг микёсда фош бўлаётганига...

Ва айни пайтда адабнинг тез кунларда озод этилишига умид пайдо бўлди...

”Қалам” учун
Муқим Маҳмуд
[facebook.com](https://www.facebook.com)



Итни зиёлисидан афзал кўрган миллат

Бир гуруҳ тошкентликлар дайди итларнинг отиб кетилишига қарши шаҳар ҳокими билан учрашиб, бу бедодликни тўхтатишни талаб қилишган. Энди намойишга чиқишни режалаштирмақда. Бу амал таҳсинга лойиқ. Чунки, ит – вафодор жонивор.

Аммо, миллати учун жонқуйдирган бир адиб икки кундан бери Тоштурмада ўтирипти. Нурулло Отахоновга ўша машъум 159-модда, йиллар давомида зўрлаб келинаётган Конституциявий тузумга тажовуз қилиш айблови қўйилапти. Айби, Абдулла Қодирий изидан боргани.

Лекин, ўзини адиб, равшанфикр

дейдиганларнинг баъзилари, қанжиқ итдай, думларини қисиб, инларига кириб кетди, баъзилари эса артистлар билан сельфи тушиш билан овора, баъзилари наҳор ошига бориш билан.

Ёзувчилар Иттифоқи “бу адиб бизнинг иттифоққа аъзо эмас” деди. Эмин Усмон ўлдирилганда ҳам шундай деганди.

Уларни кечира олмайман, аммо тушунаман. Чунки, улар гулчамбарлар учун бош эгиш ва тўнқайишга ўрганган. Ўрганган кўнгилда...

Аммо, энг алам қилгани – итни зиёлидан афзал кўрилади.

Сирожиддин Толибов
[facebook.com](https://www.facebook.com)

Яхши гумон

Яхши гумонда бўлиш яхши хислат.

Масалан, муҳолифатдаги кўпчилик шу кунгача Ўзбекистоннинг янги президентига яхши гумонда бўлиб келди.

Шавкат Мирзиёев ўзи яхши одам, аммо атрофидагилар ёмон, деган яхши гумон кенг ёйилди.

Лекин муҳолиф фикрдаги одамларга қарши сўнгги кунларда ўтказилётган қатоғонлар янги президентга кўрсатиб келинган бу яхши гумонни анча задалади.

Энди бу яхши гумонни тарк этаётганлар сони аста секин кўпайиб бораётир, яхши гумонда қолиш истагидаги одамлар учун эса, аргумент ҳам қолмаяпти.

Хуллас, агар мамлакатадаги сиёсий жараён шу тарзда давом этса, яқинда ҳатто энг собит яхши гумондаги одамлар учун ҳам: “Мирзиёев ўзи яхши одам, шунинг учун ҳам унинг мамлакатда халққа қилинаётган зулмга алоқаси йўқ, бошқача айтганда, у мамлакатни бошқармаяпти” қабилдаги гапдан бошқа далил қолмаслиги мукаррар.

Аммо бундай гапни яхши гумон деб аташнинг ўзи гумон.

Мақсуд Бекжон
29.09.2017

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов